

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Ботирова Дилафрўз Бозоровна

Тошкент давлат шарқшунослик университети

“Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

botirovadlafruz@gmail.com

Дунёда олий таълим муассасалари талабаларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш, ташаббускорлигини кўллаб-қувватлашга доир воситаларни яратиш, маданий ва коммуникатив фаолиятга асосланган самарали педагогик механизмларни жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида жамият аъзоларининг ишбилармонлик ва ташаббускорлик даражалари эътироф этилмоқда. Мазкур тадқиқотларда талабалар ахлоқий, касбий ва коммуникатив тайёргарлигининг маънавий-маданий асослари, тараққиёт ғояларига муносабати, ижтимоий ёндашиш ғояси, яъни технократик фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишлар муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ бош Ассамблеяси 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида сўзлаган нутқида: “Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий кўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз” [1-18], – деган фикрлари талабаларнинг ижтимоий фаоллигини кўллаб-қувватлаш йўналишида бир қатор аниқ вазифа ва чора-тадбирларни белгилашга асос бўлади.

Ижтимоий фаол талаба ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жамиятимизда миллий истиқлол ғояси асосида олиб борилаётганлиги билан демократик ва миллий хусусият касб этади. Бу борада ҳукмронликка, бўйсунлиққа ва итоаткорликка асосланган педагогика ўрнини таълимни инсонпарварлаштириш, ижодкорлик, илмийлик, ҳамкорлик, ижтимоий фаоллик ва дўстона муносабатлар устуворлиги тамойилларига амал қилинмоқда. Буйруқбозликдан холи бўлган бошқариш усули йўлга қўйилмоқда. Жамоада инсон омилига эътибор кучайтирилмоқда, меҳр-мурувват, ижтимоий ҳимоя, софдиллик, ҳаққонийлик ва адолат каби инсоний фазилатларга асосланган маънавий-руҳий муҳит яратилмоқда. Педагогикада “касбий ўз-ўзини тарбиялаш”, “ўз-ўзини бошқариш” ва “ўз-ўзини таҳлил этиш” мазмун-моҳияти жиҳатидан ижтимоий фаолликка йўналтирувчи омил вазифасини ўтайди.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да омил атамасига “иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва шу кабиларнинг юзага чиқиши, содир бўлиши учун сабаб бўлган нарса; сабаб; фактор” сифатида таъриф берилган [2-64]. Мазкур тушунчанинг “мотив”га яқинроқ маъно касб этиши қайд этилган. Қолаверса, “фактор” сўзи ўзбек тилига ўгирилганда “омил” деган маънони англатади [2-87].

Маълумки, педагогика фанида шахс камолотига таъсир этувчи учта йирик омил узвийлик ва изчилликда ўрганилади. Булар: ирсият омили, ижтимоий муҳит омили ва тарбия омили. Шу ўринда мотивнинг ҳам омил вазифасини ўташда ўрни бор дейилса хато бўлмайди.

Шахс ижтимоий камолоти борасидаги Шарқ мутафаккирларининг қарашлари, шунингдек, ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотлар мазмунини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Шахс камолоти ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштирок даражасига боғлиқ бўлиб, унинг ижтимоий борлиққа муносабатини белгилайди.

2. Ёшлар, хусусан, талабалар ижтимоий фаолликларини ривожлантириш шахс умумий камолотини таъминлаш ҳамда жамият тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга саналса-да, бугунги кунга қадар яхлит педагогик жараён сифатида тадқиқ этилмаган.

3. Талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш мазмунини асослаш, методикасини ишлаб чиқиш педагогика фани олдидаги долзарб вазифа саналади.

Юқоридаги фикрлардан шахснинг ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш масалаларига доир ўзига хос ёндашувлар ва таҳлиллар мавжудлиги маълум бўлади. Таъкидлаш лозимки, илмий-тадқиқотларда талабаларнинг ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштириш муаммоси етарлича тадқиқ этилган эмас.

Ижтимоий фаоллик инсон имкониятлари доираси кенгайиб боришига йўл очади. Чунки бу жараёнда янги эҳтиёжлар ва имкониятлар пайдо бўлади, эҳтиёж қондириш йўлида фаол ҳаракат вужудга келади. [3-119]

Тадқиқотлар талаба шахсининг ижтимоий функцияси уни қай даражада педагогик маҳоратни эгаллаганлигида кўринишини асосламоқда. Агар талаба шахс сифатида ўз мутахассислигини севса, уни ардоқласа, касб бурчи ва масъулиятини дилдан ҳис этиб фаолият юритса, ўзининг инсонпарварлиги, билимдонлиги, маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳамда юксак маданияти билан ибрат-намуна кўрсата олса, бундай талаба ижтимоий фаол ва шахсларни тарбиялаб етказишга қодир бўла олади. Шунга кўра, ижтимоий фаол талабани тайёрлашга бўлган эҳтиёждан келиб чиқадиган ижтимоий буюртма билан унинг аниқ ижроси ўртасидаги, бўлажак ўқитувчининг ижтимоий фаоллигига қўйиладиган талаблар билан унинг бугунги ижроси ўртасида вужудга келган объектив зиддиятларни илмий ҳал этишга қаратилган ижтимоий-педагогик эҳтиёжга қаратилган тадқиқот вазифалари белгиланди. [4-210]

Ижтимоий фаоллик хусусиятларини ўрганишда глобаллашув жараёнининг ёшлар тарбиясига қандай таъсир кўрсатаётганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бугун айрим тараққий этган давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ҳамда мафкуравий воситалар орқали турли хил ғояларни тарғиб этишга интилаётгани, бу ҳол, айниқса, Марказий Осиё халқларининг миллий урф-одатлари ва анъаналарига салбий таъсир кўрсатаётганлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Ахборот технологияси маҳсулидан трансмиллий жиной гуруҳлар, террорист ва ақидапарастларнинг ҳам унумли фойдаланаётганлигини назардан қочирмаслик лозим. Доимий равишда компьютер ёки интернет ўйинлари билан шуғулланиш ашаддий кашандалар сингари шахс фаолиятини ўз домига тортиб олиш куч-қудратига эга. Бу жараён ёшларни ижтимоий фаолликдан чалғитишга, руҳиятидаги мўътадилликни бузишга, атрофидаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан бепарволикка ва лоқайдликка олиб келади.

Бугунги куннинг кишини ташвишга соладиган белгиларидан бири шуки, глобаллашув жараёни кучайиши сиёсий интеграциянинг юз бериши ёки бойлик ва ҳокимият ўртасидаги дунё бўйича мавжуд дисбаланснинг камайиши билан бирга кечмаётганлиги ҳисобланади.

Жамият ривожини йўлида ижтимоий хулқ-атворни бошқариш субъектив омил ўрнининг тобора ортиб боришига олиб келади. Шахс ўзининг биологик, психологик ва касбий-педагогик структурасига эга бўлгани каби, ижтимоийлик структурасига ҳам эга бўлади. [5]

Юқоридаги таҳлилларга илмий ёндашган ҳолда таъкидлаш жоизки, ижтимоий фаоллик жараёнида талабанинг мустақил фикри тўлақонли ифодаланиши қуйидаги хусусиятларни талаб қилади:

- эркинлик;
- интилувчанлик;
- қизиқиш;

- билимдонлик;
- топқирлик;
- ҳозиржавоблик;
- ташаббускорлик;
- фаоллик;
- танқидий фикрлаш;
- ўз-ўзини таҳлил эта олиш;
- аниқ мақсадни кўзлаш;
- вазифани белгилаш;
- кафолатли ечим сари интилиш ва ҳоказо.

Таълимнинг шахсга йўналтирилган ушбу тизимида талаба мақсадни кўзлаши учун унга эркинлик бериш зарур. Эркинлик ҳаракатга, интилишга олиб келади. Албатта, бу ўринда талабанинг билимдон бўлиши зарур сифатлардан бири ҳисобланади. Талабанинг билими саёз бўлса, ундаги топқирлик, ҳозиржавоблик кўзга ташланмайди. У ўз-ўзидан ташаббусни қўлга кирита олмайди. Демак, талаба таълимий жиҳатдан фаолликни бой беради. Бундай ҳолларда талабанинг мақсади аниқ эмаслиги маълум бўлади. Интерфаол методларнинг татбиқи асосида талабаларнинг дарс жараёнидаги фаоллигига эришиш ижтимоий фаолликка йўналтирувчи омил вазифасини ўташи мумкинлиги тажриба-синов ишлари давомида ўз исботини топди. Таълим-тарбия узлуксизлиги ижтимоий фаоллик билан бир умр давом этадиган жараён бўлиб, шахснинг индивидуал хусусиятлари ва ҳаёт тажрибасига боғлиқ бўлади. Касбий фаолияти жараёнида эгаллаган маҳоратидан келиб чиққан ҳолда шахснинг ижтимоий фаоллиги ҳам такомиллашиб боради. [5] Миллий кадриятларни ўрганиш, истиқболли келажак мақсадини белгилашда методологик асос вазифасини ўтайди. Бу жиҳатлар шахснинг ижтимоий фаоллигида ўрганиладиган бўлса, тарихни билиш, миллий кадриятлар асосида мустақил ривожланиш ва унинг истиқболини башорат қила олиш лозимлигини кўрсатади. Шахс ижтимоий фаоллиги мана шу уч жараённинг

изчиллиги ва узвий боғлиқлигида амалга ошади. Чунки, ўтмишини, кадриятларини билмаган шахснинг бугунги ҳаётида маъно-мазмун бўлмайди. Бундай шахс келажакка интилиб, муайян мақсад йўлида орзу-хаваслар билан яшай олмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий фаоллик кенг маънода ифодаланиб, бевосита табиат ва жамиятни ўраб турган муҳит билан ўзаро муносабатда бўлади. Шахс ижтимоий фаоллигининг ривожланишида унинг индивидуаллиги намоён бўлади. Олий таълим муассасалари талабаларининг ижтимоий фаоллиги уларнинг ижтимоий-сиёсий, меҳнат, билиш жараёнларида кундалик юриш туриши, муайян билимлар ҳажми ва жамиятнинг одоб-ахлоқ меъёрларини ўзлаштириши орқали ривожлантириб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори. – Т., Халқ сўзи. 2011май.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: ТГПУ, 2003. – 192 с
3. Бекбулатова Л. Индивидуализация в учебно-воспитательном процессе // Халқ таълими. – Т.: 2006. – № 1. – С.135-137
4. Джуринский А.Н. Развитие образования в современном мире. – Москва: ВЛАДОС, 1999. – 200 с
5. Botirova D.B. Scientific and theoretigal basics of the process of professional characteristics of the process of professional withdrawal in educators. Вестник интегративной психологии. – Ярославл, 2023. №30 – С. 105-109